



## “ШАРҲИ МУЛЛО” АСАРИДА МОСЛАШГАН АНИҚЛОВЧИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Жўраева Мадина Абдужалиловна

PhD, доцент в.б., Алфраганус университети, Фолология факультети,  
Шарқ филологияси кафедраси араб тили ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада классик араб тили грамматикасида муҳим ўрин тутувчи наът (мослашган аниқловчи) категориясининг назарий асослари ёритилади. Хусусан, Абдурахмон Жомийнинг наът ҳақидаги қарашлари, унинг ҳақиқий (نعت حقيقي) ва сабабли (نعت سببي) турлари батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарий ва Сибавайҳийнинг мослашган аниқловчига оид фикрлари қиёсий жиҳатдан кўриб чиқилиб, наътнинг келишик, жинс, сон ҳамда аниқ-ноаниқ ҳолатларда аниқланмишга тўлиқ мослашиши илмий мисоллар асосида очиқ берилган. Мақолада Жомий томонидан таъкидланган наътнинг ички семантик хусусиятлари — соф мақтов, қоралаш (ёмонлаш) ва таъкид маъноларини ифодалаши Куръон оятлари ҳамда классик манбалар мисолида ёритилган.

**Калит сўзлар.** Наът, мослашган аниқловчи, ҳақиқий наът, сабабли наът, Абдурахмон Жомий, Маҳмуд Замахшарий, Сибавайҳий, классик араб грамматикаси, сифат, мақтов ва қоралаш, таъкид.

**Abstract.** This article examines the theoretical foundations of the *naʿt* (agreeing attribute/adjective) category, which occupies an important place in classical Arabic grammar. In particular, *ʿAbd al-Raḥmān Jāmī*’s views on *naʿt* are analyzed in detail, with special attention to its real (*naʿt ḥaqīqī*) and causal (*naʿt sababī*) types. In addition, the opinions of *Maḥmūd al-Zamakhsharī* and *Sībawayh* on the agreeing attribute are considered from a comparative perspective, and the full agreement of *naʿt* with the modified noun in case, gender, number, and definiteness/indefiniteness is elucidated on the basis of scholarly examples. The article also highlights the internal semantic features of *naʿt* emphasized by *Jāmī*—namely, the expression of pure praise, blame (disparagement), and emphasis—illustrated through examples from *Qurʿanic* verses and classical sources.

**Keywords:** *naʿt*, agreeing attribute, real *naʿt*, causal *naʿt*, *ʿAbd al-Raḥmān Jāmī*, *Maḥmūd al-Zamakhsharī*, *Sībawayh*, classical Arabic grammar, adjective, praise and blame, emphasis.

Абдурахмон Жомий النعت (صفة سifat) – мослашган аниқловчини жумлада бирон сўзга тобе бўлиб, у билан келишикда, ҳолатда, жинсда ва сонда мослашадиган исм эканлигини таъкидлайди.







масалан: *بسم الله الرحمن الرحيم* (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи ила) жумласида *الرحمن الرحيم* сўзлари *الله* ни мақтаб келган. Жомий келтирган мазкур жумлада "الرحمن" – «меҳрибон» ва "الرحيم" – «раҳмли» сўзлари мослашган аниқловчи бўлиб келган. Чунки бу икки сўз Аллоҳнинг сифатини кўрсатмоқда. Ёки наът баъзида фақат ёмонлаш ва қоралашни ифодалаб келиши мумкинлиги, масалан: *أعوذ بالله من الشيطان الرجيم* (Қувилган лаънати шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳ паноҳини сўрайман) Бу ўринда шайтоннинг ёмонлиги ва унинг ёмонлигидан паноҳ тилаш лозимлигини ифодалаб келган. Келтирилган ушбу жумлада *الرحيم* «лаънатланган, қувилган» сўзи мослашган аниқловчи бўлиб, бу ерда олим бу сўзнинг ёмон хислатни, камчиликни ифодалаб келишини назарда тутган.

Шунингдек, олим мослашган аниқловчини таъкидни ифодалаб келиши ҳам мумкинлигини изоҳлади ва «Алҳаққо» сурасининг 13-оятидан мисол келтириб, аниқ шарҳлади. Шунингдек, Жомий бир сўзни икки бора келтириш орқали ҳам таъкид маъноси ифодаланишини изоҳлаб, қуйидаги мисолни келтирган: *مررت بهذا الذي كرم اى كريم<sup>6</sup>*

- «Саҳоватли ғоят лутфи карамли одамнинг ёнидан ўтдим», жумласида (*كْرَمًا*) саҳоват сўзи такрор келиб таъкидланган.

Абдурахмон Жомийнинг мослашган аниқловчи борасидаги шарҳлари араб тилшунос олими Сибавайҳининг фикрларига жуда яқиндир. Сибавайҳи<sup>7</sup> мослашган аниқловчини аниқланмиш билан боғланиб келишини таъкидлаб, баъзи ҳолларда аниқ исмга ноаниқ ҳолатдаги сифат қўшилиб келиши мумкинлигини айтиб ўтади. Масалан: *مررت برجل شر منك* - «Сендан ёмонроқ кишининг ёнидан ўтдим». Жумладаги *شر* – «ёмон» сўзи мослашган аниқловчи вазифасида келган бўлиб, бу сўз инсоннинг камчилигини билдириб келмоқда. *مررت برجل خير منك* - «сендан яхшироқ кишининг ёнидан ўтдим». Бу жумлада эса *خير* - «яхши» сўзи мослашган аниқловчи вазифасида келиб инсоннинг хислатини билдириб келган<sup>8</sup>.

Кўринадики, Абдурахмон Жомий мослашган аниқловчининг энг муҳим хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа». Исомуддин, Абдуғофур Лорий, Абдурахмон ва Исматулла ҳошияси билан. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар фонди. Қўлёзма 862.

<sup>6</sup> (FZ.134b)

<sup>7</sup> ابو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. كتاب سيبويه. تحقيق و شرح عبد السلام محمد هارون. الجزء الاول. بيروت, 2003, ص. 422-423

<sup>8</sup> Қаранг: Турдалиев Б. Араб нахвидаги тобе сўзлар бўйича ўрта аср тилшунос олимларининг назарий қарашлари. Шарқшунослик журнали. – Тошкент: 2013. – Б.7





2. Белова А. Г. Синтаксис письменных текстов арабского языка.-М.: Наука, 1985.
3. Гранде Б.М. «Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении» Москва. 1998.
4. Иброхимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси.. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 1997. I жилд.
5. Носирова М. «Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи». Т.:2005.
6. Носиров О, Юсупов М. “Ан-На’им” арабча-ўзбекча луғат. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003.